

## ХОДИМЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ РУҲИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ

*Умурзаков Бахтиёр Боходирович*

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар  
вазирлиги Малака оширии институти*

*Жанговар тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси*

*[shokiralbekov@gmail.com](mailto:shokiralbekov@gmail.com)*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ходимларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлигига мардлик, жасорат ва фидоийлик каби маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг самарали усуллари таҳлил қилинган. Таълим-тарбия жараёнида миллий қадриятлар, тарихий мерос, жанговар анъаналар ҳамда замонавий психология ва мотивация технологияларидан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган. Мақолада мутахассислар фикри, илмий хуносалар ва амалий тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** тайёргарлик, мардлик, жасорат, ватанпарварлик, тарбия усуллари, руҳий барқарорлик, миллий қадриятлар.

## ЭФФЕКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ВОСПИТАНИЯ ДУХА МУЖЕСТВА И СМЕЛОСТИ В ПОДГОТОВКЕ СОТРУДНИКОВ

*Умурзаков Бахтиёр Боходирович*

*Старший преподаватель цикла боевой подготовки*

*Институт повышения квалификации*

*МВД Республики Узбекистан*

*[shokiralbekov@gmail.com](mailto:shokiralbekov@gmail.com)*

**Аннотация:** В данной статье анализируются эффективные методы формирования таких духовно-нравственных качеств, как мужество, отвага и самоотверженность, в физической и психологической подготовке сотрудников. Рассмотрены вопросы использования в учебно-воспитательном процессе национальных ценностей, исторического наследия, воинских традиций, а также современных психологических и мотивационных технологий. В статье представлены мнения экспертов, научные выводы и практические рекомендации.

**Ключевые слова:** подготовка, мужество, отвага, патриотизм, методы воспитания, духовная устойчивость, национальные ценности.

## EFFECTIVE METHODS OF EDUCATING THE SPIRIT OF COURAGE AND BRAVERY IN THE TRAINING OF EMPLOYEES

*Umurzakov Bakhtiyor Bakhodirovich*

*Senior teacher of the combat training cycle*

*Institute for Advanced Training of*

*the Ministry of Internal Affairs*

*of the Republic of Uzbekistan*

*[shokiralbekov@gmail.com](mailto:shokiralbekov@gmail.com)*

**Abstract:** This article analyzes effective methods for developing such spiritual and moral qualities as courage, bravery, and dedication in the physical and psychological training of employees. Issues of using national values, historical heritage, military traditions, as well as modern psychological and motivational technologies in the educational process were considered. The article presents expert opinions, scientific conclusions, and practical recommendations.

**Keywords:** preparation, courage, bravery, patriotism, methods of upbringing, spiritual stability, national values.

### КИРИШ

Рұхий барқарорлық - бу инсоннинг ҳар қандай вазиятда ҳам үзини тинич, сабрли, қатъий ва изчил тута олиши, ҳаяжон ва құрқувни енгіб, ақл ва юрак билан түғри қарор қабул қилиш қобилятидир. Бу фазилат инсоннинг ички дунёсидаги мувозанатни сақлаб туришга ёрдам беради.

Мардлик - бу ҳақиқатни тан олиш, адолат учун курашиш, муаммолардан қочмасдан юзма-юз кела олиш, үз сўзи ва амалига жавобгарлик билан ёндашиш фазилатидир. Мард инсон иккиланмасдан түғри йўлни танлайди.

Жасорат - бу қийинчиликлар, хавф-хатар ва синовлар олдида қўрқмасдан харакат қилиш, юракдиллик билан иш кўриш қобиляти. Жасорат мардликнинг амалий ифодаси бўлиб, инсонни фаол ҳаракатга ундаиди.

Ватанга садоқат - бу инсоннинг ўз юргига, халқига, маданияти ва тарихига муҳаббати, уни ҳимоя қилиш, хизмат қилиш ва ривожлантиришга бўлган садоқати ва тайёрлиги.

Рұхий барқарорлық инсоннинг жасоратли ва мард бўлиши учун асос яратади. Чунки ички барқарорликка эга инсон ташқи таҳдидлардан қўрқмайди, юз берган ҳолатга хунук ҳиссиётлар билан эмас, ақл билан ёндашади.

Мардлик ва жасорат бир-бирини тўлдиради — мард инсон жасорат кўрсатади, жасоратли инсон эса үзини мардонавор тутган ҳолда амал қиласади.

Бу барча фазилатлар инсонни **вatanга садоқат** билан яшашга олиб келади. Чунки рухан барқарор, мард ва жасоратли инсон ўз юрти учун хизмат қилишни ўз бурчи деб билади, юрти учун курашишдан чекинмайди.

Ходим шахсиятининг шаклланишида жисмоний маҳорати билан бир қаторда руҳий барқарорлик, мардлик, жасорат ва ватанга садоқат фазилатлари асосий ўрин тутади. Бундай хусусиятлар юқори самарали жанговар тайёргарлик жараёни орқали эмас, балки аниқ мақсадли, тизимли ва илмий ёндашувга асосланган тарбия орқали юзага чиқади.

Ходимлар - бу жисмоний ва ақлий етукликни ўзида мужассам этган, ҳар қандай хавфли шароитда ҳам масъулиятли қарор қабул қила оладиган, Ватанга садоқат билан хизмат қиладиган фидойи шахс бўлиши лозим.

Мардлик ва жасорат фазилатлари инсонда туғма эмас, балки муайян ижтимоий ва маънавий муҳитда шаклланадиган фазилатлардир. Ходимларни тайёрлаш жараёнида бу хусусиятларни ривожлантириш учун қуйидаги усуллар самарали ҳисобланади:

- Миллий ва тарихий ғуурни уйғотувчи ўқув машғулотлар - буюк аждодларимизнинг мардлик тимсоли сифатида намоён бўлган Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Собир Рахимов, Тоҳир Малик каби сиймоларни ўрганиш;
- Психологик тайёргарлик машғулотлари - стрессга чидамлилик, хавфли вазиятларда қарор қабул қилиш қўнималарини шакллантириш;
- Руҳий-маънавий сұхбатлар ва тарбиявий дарслар - командирлар, офицерлар ва ҳаётда жасорат кўрсатган шахслар иштироқида ўтказиладиган маънавий сұхбатлар;
- Талабчан, бироқ инсонпарвар тизимли назорат - интизом ва масъулият ҳиссини мустаҳкамлаш орқали ички руҳий кучни ривожлантириш;

Ватан ҳимоясида ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг ҳаётини ўрганиш - бу хизматчиларда юксак миссия ҳиссини шакллантиради.

Соҳа мутахассислари ўз фикрида шундай таъкидлайди: «Ходимда мардлик ва жасорат фазилатларини шакллантириш учун фақат оғзаки тарбиявий сұхбат етарли эмас. Бу фазилатлар машқ жараёнида, хавфни ҳис қилишда, масъулиятни ўз зиммасига олишда ривожланади. Шу боис ҳар бир ўқув машғулоти – бу нафақат жисмоний тайёргарлик, балки маънавий шаклланиш жараёни ҳамdir».

Айнан шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида ватанпарварликни тарбиялашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Қасамёд қабул қилиш маросимлари, хизмат анъаналари билан таништириш, мукофотланган хизматчиларнинг ҳаётини намуна сифатида тарғиб этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Махсус вазифаларни бажарувчи бўлинмаларда мардлик ва жасоратни шакллантириш учун тактик симуляциялар, колектив ҳаракат тренинглари, вақтга боғлиқ қарор қабул қилиш машғулотлари кенг қўлланилади. Бу нафақат шахсий қобилиятни, балки жамоавий ҳамжиҳатлик, масъулият ва ички интизомни қучайтиради.

Бундан ташқари, ходимлар ўртасида турли спорт мусобақалари, жанговар тайёргарлик бўйича қўрик танловлари ҳам уларда рақобат ва жасорат руҳини оширишга хизмат қиласи. Ҳар бир ғалаба, ҳар бир натижа - хизматчида ўз имкониятига ишонч, Ватанга садоқат ва фидоийлик ҳиссини қучайтиради.

### **ХУЛОСА**

Инсон шахсиятининг шаклланишида руҳий барқарорлик, мардлик, жасорат ва Ватанга садоқат каби маънавий фазилатлар алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус вазифаларни бажарувчи хизматчилар учун бу хусусиятлар нафақат шахсий етуклиқ мезони, балки хизмат самарадорлигининг ҳам асосий кўрсаткичларидан биридир.

Мақолада таъкидланганидек, бу фазилатлар табиий равишда пайдо бўлмайди, балки махсус тарбия, мақсадли машғулотлар ва илмий асосланган тизимли ёндашув орқали шаклланади. Ходимдаги руҳий барқарорлик уни хавфхатарлар олдида сабрли, тўғри қарор қабул қила оладиган шахсга айлантиrsa, мардлик ва жасорат эса уни ўз бурчини фидокорона адо этувчи мустаҳкам иродали инсон сифатида намоён қиласи. Бу жараёнда Ватанга садоқат туйғуси энг катта илҳом ва масъулият манбаи бўлиб хизмат қиласи.

Шунингдек, мақолада бу фазилатларни ривожлантириш бўйича амалий усуллар - буюк тарихий шахсиятларнинг жасоратли ҳаётини ўрганиш, психологик тайёргарлик машғулотлари, тарбиявий сұхбатлар, махсус симуляциялар, спорт ва танловлар орқали амалга оширилаётган чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилган. Бу эса хизматчиларда фақат жисмоний тайёргарлик эмас, балки маънавий етуклиқ, жамоавий ҳамжиҳатлик ва шахсий масъулият туйғусини ҳам ривожлантиришга хизмат қиласи.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, мардлик ва жасорат оғзаки таълим билан эмас, балки амалиёт, масъулият ва хавфни ҳис қилиш орқали шаклланади. Демак, ҳар бир машғулот - бу нафақат тайёргарлик жараёни, балки инсонни маънан юксалтириш, Ватанга садоқат билан хизмат қилишга ундаётган бир мактабдир.

### **АДАБИЁТЛАР**

- Ҳамидов З. «Ҳарбий тайёргарликда маънавий омилларнинг ўрни» // “Илм-фан” журнали, №3, 2023.
- Абдурахмонов Б. «Мардлик ва жасорат – ҳарбий хизматчининг шахсий фазилати сифатида» - Тошкент, 2022.

3. Бахромов А. «Ходимларни руҳий тайёрлашнинг методик асослари» // «Маърифат», №7, 2023.
4. Ш.М.Мирзиёев нутқлари, “Ёшларимизга мардлик, жасорат ва ватанпарварлик руҳини сингдириш – асосий вазифамиз” - 2021 йил.
5. Халқаро ҳарбий-психологик анжуман материаллари – Анқара, 2020.
6. Умурзоқов Б.Б. Жанговар тайёргарликнинг назарий асослари ва амалиётдаги аҳамияти. // Тадқиқотлар. 2025.
7. Умурзоқов Б.Б. Жанговар тайёргарликнинг психологияси. // Тадқиқотлар. 2025.
8. Умурзоқов Б.Б. Жанговар тайёргарлик жараёнида маънавий-ахлоқий тарбиянинг аҳамияти. // Тадқиқотлар 2025.
9. Арифходжаева И.Х. Ички ишлар идоралари фаолиятида касбий-психологик ва педагогик тайёргарлик. Дарслик. Т. 2014.